

ЖАСОРАТ ТИМСОЛИ БЎЛГАН ШЕРАЛИЕВЛАР.

Наманган вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи

илмий ходими: Мухаммадиев М

Аннотация

Мазкур мақолада Наманган вилоятининг Учтепа қишлоғида туғилиб ўсган ака-ука Шералиевларнинг Иккинчи жаҳон уруши йилларида кўрсатган жасорати ва Ватан ҳимоясидаги хизматлари ҳақида сўз юритилади. Айниқса, фронтларда мардлик намунасини кўрсатган Абдулаҳад Шералиевнинг ҳаёт йўли, жанговар фаолияти ҳамда урушдан кейинги меҳнат фаолияти ёритилган. Шунингдек, унинг укалари Машраббой, Низомитдин, Исмоилжон ва Абдуқаҳҳор Шералиевларнинг ҳам фронтлардаги иштироки ва мукофотлари ҳақида маълумотлар келтирилган. Мақолада Шералиевлар оиласининг Ватан озодлиги ва тинчлиги йўлидаги фидокорона хизмати ҳамда уларнинг жасорати бугунги авлод учун ибрат мактаби экани таъкидланган.

Наманган вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи хазинасида “Хотира ва Кадрлаш” бўлимига тегишли қимматбаҳо экспонатлар сақланади. Шерюрак Шералиевларга доир хужжатлар уларнинг жанговар жасоратларидан ҳикоя қилади.

Иккинчи жаҳон урушининг фаол қатнашчиси, ватан озодлиги ва мустақиллигини сақлаб қолишда ажойиб жасорат ва маҳорат кўрсатган Абдулаҳад Шералиевнинг ҳаёт йўли ва жанговар иши ёшларимиз учун намуна бўлиб хизмат қилади.

Абдулаҳад Шералиев 1909 йилда Наманганнинг Учтепа қишлоғида тўғилган. Қишлоқ мактабида таълим ва тарбия олиб, янги жамият кўришда фаол иштирок этган.

Ёшлигидан ҳарбий ҳунарга қизиққан Абдулаҳад 1931 йилдан бошлаб 1938 йилгача Самарқанддаги 6 – ўзбек отлик дивизиясининг 2- отлик полкида хизмат

қилади. У шу давр ичида Самарқанд атрофида изғиб юрган Ёрмат кўрбоши қолдиқларини, Холмат кўрбоши шайкасини тугатишда қатнашди.

Абдулаҳад ака қишлоққа қайтиб келганда, Катта Фарғона канали қурилиши энди бошланган кунлар эди. У дарҳол ҳарбий шинелини коржома билан алмаштириб, каналнинг Учкўрғондаги участкасида Дўнон Дусматов билан ёнма – ён туриб ер қазиди. Ҳар куни икки паҳлавон 60 кубометрдан тупроқ чиқариб, ҳаммага намуна бўлишди.

Иккинчи жаҳон уруши бошланганда эса Наманганда отлик дивизия ташкил қилинди. Шералиев полк мактабига бошлиқ этиб тайинланди. Полкда кичик командирлар тайёрлашда кўрсатган хизматлари учун дивизия қўмондонлигидан бир неча марта ташаккур ва мукофот олди.

1942 йилда Шералиев Ленинобод (Ҳозирги Хўжанд) шаҳрида ташкил этилган 92 – тожик дивизиясига хизматга юборилди. Дивизия Сталинград фронтига етиб келиши билан Садовая станциясида мудофаага ўтди. Уларнинг қисми 81 – пиёда дивизия ихтиёрига топширилди. Қўмондонлик моҳир командир Шералиевни Шимолий Кавказда ҳаракатланаётган 4 – армиянинг кавалерия корпусига қарашли 36 полкда аввал взвод командири, этиб тайинланди. Корпус жангчилари Астрахань, Кримск, Гапкин, Сальск, Батайск, Ростов, Донбасс, Азовск, Краснодарда бўлган жангларда алоҳида маҳорат кўрсатдилар.

Шералиев хизмат қилган қисм кейинчалик 4 – Кубань казак корпуси билан бирлашди. Корпус командири генерал лейтенант Кириченко Шералиевга жангларда кўрсатган жасурлиги учун бурка кийгизиб, ташаккур эълон қилди.

Ростов учун бўлган қонли жанглар вақтида Шералиев гитлерчи газандаларни қилич тиғидан ўтказиб, уларга қирон келтираётган пайтда тўсатдан ярадор бўлиб, сафдан чиқиб қолди. У госпиталда даволаниб, Москвага келганда, кадрдон дўсти, биринчи ўзбек генерали Собир Раҳимов билан кўришиб қолди. Собир Раҳимов Шералиев билан бирга Самарқандда отлик аскарлар дивизиясида хизмат қилган эди. Раҳимов уша пайтдаги одати буйича - “Ҳа чавандоз” деганча уни қўчоқлаб кўришди.

Иккинчи куни Собир Раҳимов Киев вокзалида жанговар дўстини фронтга кузатди.



Шералиев 2 – Украина фронтида фашист босқинчиларига қарши қаҳрамонона курашаётган 5 – Дон казаклари корпуси ихтиёрига ўтди. 1944 йилнинг август ойида корпус бошқа қисмлар қаторида ҳужумга кирди. Уч кун давом этган ҳужум жанглирида Руминиянинг пойтахти Бухарест фашист босқинчилардан озод қилинди.

Капитан Шералиев командирлик қилган взвод жангчилари Венгрия чегарасида душманнинг икки “тигр” танкини куйдириб , 16 асирни қўлга олдилар.

Шералиев хизмат қилган қисм жангчилари Альп тоғи тепасидан ўтиб, Австрияга кирган кунларда уруш тамом бўлганлиги эълон қилинди.

Кўрсатган мардлиги учун икки мартаба “Қизил юлдуз”, “Ватан уруши” орденлари ҳамда бир нечта жанговар медаллар билан тақдирланди.

Абдулахат Шералиев 1946 йилда урушдан кайтади ва ватан равнақи учун қаттиқ меҳнат қилади.

Шералиевлар оиласи оилада 11 фарзанд бўлиб, аканинг ортидан укалари Машраббой, Низомитдин, Исмоилжон ва Абдуқаҳҳорлар ҳам ватан ҳимоясига отланадилар ва урушдан ғалаба билан қайтадилар.

Низомитдин Шералиев Кўйбишев ва Горький шаҳрини мудофаасида, Машраббой Краснодар ўлкаси мудофаасида, Исмоилжон Киев мудофаасида ва

Абдуқаҳҳор ота Белоруссия мудофасида иштирок этиб, кўрсатган жасоратлари учун жанговар орден ва медаллар билан мукофотланганлар.

Ака ука Шералиевларнинг жасорати тўғрисида марҳум ҳарбий ёзувчи Адхам Раҳмат “Изларни излаб” асарида қимматли маълумотларни ёзиб қолдирган.

1981 йилда Учтепа қишлоғининг марказий кучалардан бирига “Шералиевлар кўчаси” номи берилди.(Аммо ҳозирда бу ном олиб ташланиб, “Биллур” кўча деб номланмоқда. Абдулаҳат отанинг фарзандлари Ҳусанбой бугунги кунда оталари номини тиклаш мақсадида юқори ташкилотларга мурожаатлар юборганлар ва қониқарли жавоб олиш умидидалар).

Оға -ини Шералиевнинг авлодлари яъни, фарзандлари, набиралари ва чеваралари орасидан ҳам бугунги кунда чавандозлар, ўқитувчилар, Тиббиёт ходимлари, ҳарбийлар етишиб чиққан бўлиб, мустақил юртимизни ривожланиши учун хизмат қилмоқдалар ва боболарига муносиб ворис бўлмоқдалар.

Боболар жасорати мангу барҳаёт ва бугунги авлод учун ибрат намунасидир.

Фойдаланилган адабиётлар

- 1.Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ватан ҳимоячилари ва Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларининг хотирасини абадийлаштиришга оид фармон ва қарорлари.
 - 2.Хотира. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт, турли йиллар.
 - 3.Наманган тарихи. – Наманган: Наманган нашриёти.
 - 4.Наманган вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи архив материаллари.
- Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари. – Москва: Воениздат